



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 30 май, № 109 (9004)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони 28-29 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Самарқанд мезбонлигидаги ташрифнинг асосий тадбирлари 29 май куни ўтказилди.

Самарқанд шаҳридаги Конгресс марказида Италия Республикаси Бош вазири расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Марказ олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шохсупага таклиф этди.

Харбий оркестр икки давлат мадҳияларини ижро этди. Етакчилар фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Шундан сўнг Конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелонининг юзма-юз ҳамда расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

2023 йил июнь ойида Рим шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувларда эришилган қелишувлар изчил амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳамжи, шу жумладан, етказиб берилаётган маҳсулотлар турининг кенгайтириш ҳисобига қарийб уч баробар ошди.

Қўшма корхона ва лойиҳалар сони икки баробар кўпайди. Италиянинг етакчи компаниялари билан металлургия, электротехника, қишлоқ ҳўжалиги, чорвачилик, туризм ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли кооперация йўлга қўйилган.

Ўзбекистон делегацияси Венециядаги биенналеда фаол иштирок этди, Флоренцияда кўргазма ўтказилди.

Ўтган йил декабрь ойида Рим ва Виареж шаҳарларида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Турин ва Пиза университетларининг филиаллари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Апрель ойида ректорларнинг иккинчи форуми самарали ўтди.

Томонлар фаол сиёсий алмашинуви давом эттиришни қўллаб-қувватладилар.

Жорий йил апрель ойида Самарқандда ўтган самарали саммитга мувофиқ Европа Иттифоқи институтлари билан фаол ҳамкорлик давом эттирилди. Амалий натижаларга эътибор қаратган ҳолда «Марказий Осиё — Италия» саммитини ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Савдо соҳасида бизнесга техник кўмак дастурларини кенгайтиришга келишиб олинди. Европа Иттифоқи бозорига чиқиш учун ўзбекистонлик экспортчиларни ўқитиш, Тошкентда қўшма

Сертификатлаш марказини ташкил этиш, Мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги битимни қабул қилишни тезлаштириш шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари Италиянинг етакчи компаниялари билан Технологик шериклик дастурини ишга туширишни таклиф қилди.

Хусусий тадбиркорликнинг инновацион лойиҳалари, ўта муҳим минераллар ва қишлоқ ҳўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, автомобилсозлик учун бутловчи қисмлар, электротехника, энергетика, озик-овқат, фармацевтика, қурилиш саноатида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик, чарм, мебелсозлик ва бошқа тармоқлар учун дизайн марказларини ташкил этиш устувор йўналишлар сифатида қайд этилди.

Бундай лойиҳалар Европа оператори бошқарувида Тошкент вилоятида ташкил этиладиган саноат паркида жойлаштирилиши мумкин.

Лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини ишга тушириш учун қўшма инвестиция жамғармасини ташкил этиш, шунингдек, Италиянинг «SACE» ва «SIMEST» давлат агентликларини жалб қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Комплекс «Йўл харитаси» асосида қишлоқ ҳўжалигида кенг қўламли илмий-технологик ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Узум, зайтун, заъфарон, сарсабил етиштириш, агролабораториялар ташкил этиш, биотехнологияларни ривожлантириш ва агросуғуртани жорий қилиш бўйича кооперация истикболлари қайд этилди.

Янги лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Ҳукуматлараро ғуруҳ ишини қайта тиклаш ва унинг йиғилишини бизнес форуми билан бирга ўтказишга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Италия ҳудудлари ўртасидаги шериклик муносабатларини кенгайтириш доирасида Ломбардия губернатори Аттілио Фонтана ташрифи ва биринчи Ҳудудлар форуми доирасида амалий натижаларга эришиш муҳим экани таъкидланди.

Таълим соҳасида мамлакатимизда Тушун университетини филиалини, Пиза, Тренто, Рома Тре ва Ка-Фоскари университетлари билан икки томонлама диплом дастурларини ишга тушириш режалари қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистонда Италия маданияти кунларини ўтказишга келишиб олинди.

Ташриф доирасида меҳнат миграцияси соҳасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган битим имзолангани мамнуният билан қайд этилди.

Учрашув якунида эришилган қелишувларни амалга ошириш бўйича комплекс «Йўл харитаси»ни тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони Стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қилдилар.

Улар ҳузурида ташриф доирасида имзоланган, жумладан:

— инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида;

— стратегик аҳамиятга эга хомашё соҳасида ҳамкорлик тўғрисида;

— миграция ва ҳаракатланиш эркинлиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида;

— барқарор ривожланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, маданий меросни сақлаш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида;

— Иқлим жамғармаси ва Италия қишлоқ ҳўжалиги конфедерацияси билан ҳамкорлик, «Sogesid» ва «Ansaldo» компаниялари билан «яшил» ривожланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида;

— Тушун, Пиза ва Турин университетлари билан шериклик тўғрисидаги икки томонлама битимларни алмашиш маросими ҳам ўтказилди.

Шунингдек, расмий ташриф доирасида Италия Миллий тадқиқотлар маркази, «SIMEST» ва «Danieli» компаниялари, Перужа университети ҳамда бошқа ташкилотлар билан қатор ҳужжатлар имзоланди.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Италия музокаралари якунланган, Самарқанд шаҳридаги кўчага Рим шаҳри номи беришга бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу қарор чуқур тарихий ва маданий алоқалар, стратегик шериклик муносабатларининг ҳозирги юксак даражасини инобатга олган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон ва Италия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳурмат рамзи сифатида қабул қилинганини таъкидлади.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев ва

Жоржа Мелони Конгресс марказида ташкил этилган «Ўзбекистон ва Италия: цивилизациялар мулоқоти» кўргазмасини томоша қилдилар.

Ноёб экспозиция икки мамлакат ўртасидаги чуқур тарихий, илмий ва маданий алоқаларга бағишланган. У «Рим ва Кушон империяларининг савдо муносабатлари», «Биринчи Ўйғониш даври», «Марко Поло», «Амир Темур», «Мирзо Улугбек» ва «Заҳриддин Муҳаммад Бобур», «XIX асрда Ўзбекистондаги италияликлар», «Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонликларнинг Италияни озод қилишга қўшган ҳиссаси», «Ўзбекистон ва Италия: маданий меросни асраш» каби 9 та мавзули бўлимдан ташкил топган.

Меҳмонларга Афросиёбнинг «Самарқанд ҳукмдори томонидан элчиларни қабул қилиш маросими» номли деворий суратнинг машҳур италиялик уста Мауро Пеллицони томонидан Флоренция мозаикаси услубида ишланган ноёб нусхаси намойиш этилди.

Шунингдек, етакчилар турли тарихий ёдгорликлар, график тасвирлар, қўлёзма ва миниатюралар, нодир адабий нашрлар, ҳайкаллар, архив суратлари ва ҳужжатлари билан танишдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Бош вазири Жоржа Мелони Конгресс маркази хиёбонида биргаликда эман экдилар.

Маросим икки мамлакат халқларининг дўстлиги, Ўзбекистон — Италия стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга бўлган қатъий интилишининг рамзи бўлди.

Шу билан Италия Бош вазири Жоржа Мелонининг юртимизда ташрифи якунланди.

Мазкур ташриф Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги тарихий яқин алоқаларни ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, олий даражадаги музокаралар чоғида эришилган қелишувларни амалга оширишда янги босқични бошлаб бериши, шубҳасиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АББАБОВЕВ,
Ғолиб ХАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2025 йил 29 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг «YouTube» тар-

моғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлиснинг иккинчи иш куни сенаторлар томонидан дастлаб «Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2024 йил 27 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун кўриб чиқилди.



ЎЗБЕКИСТОНГА ОЧИЛАЁТГАН ЕВРОПА ДАРВОЗАЛАРИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг барқарор Марказий Осиёдан Европа Иттифоқи томон концепцияси ҳақида

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Самарқандда ўтказилган Ўзбекистон — Италия саммити жараёنларини диққат билан кузатар эканман, ушбу олий даражадаги учрашув ва унда эришилган натижалар, имзоланган ҳужжатлар менга яқин тарихимизни эслатди.

Биз ва жаҳон

Бугунги кунларга етиб келиш учун қанчадан-қанча машаққатли йўللар босиб ўтилганини унутмаслигимиз керак. Тарихдан тўғри хулоса чиқариб келаёганини белгиланган миллат юксалади, таррақий этади.

Ўзбекистонда чорак аср даво-

мида Европа билан мулоқот қилишга уринишлар ва интилишлар кўп бўлган. Лекин барчаси муваффақиятсиз якун топган. Баъзи бир бошланган алоқалар ҳам номаълум сабабларга кўра боши берк кўчага кириб қолаверган. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасида ўтиб

бўлмас бир жарлик пайдо бўлган эди. Бунинг натижасида бутун дунё интилаётган Европа тараққиёти, юксалиши, ривожланишидан узоклашилди.

Тўғриси айтганда, Европа томони Ўзбекистонга ишончсизлик билан қарарди. Бу, авваламбор, қўни-қўшниларимиз билан бутунлай узилган муносабатларга бориб тақаларди.

Марказий Осиёда ўта муҳим ўрин тутувчи Ўзбекистон томони ташаббусни қўлга олиши, қардош халқлар билан дўстона алоқаларни ўрнатилиш керак эди. Ўзбекистон, аксинча, бу борада яқдиллик-

ка эришишга интилмади. Муносабатлар мураккаблашиб, бегоналашув кайфияти кучайди. Бунга кузатиб турган халқаро ҳамжамият ҳам биздан тобора юз ўгирди. Айниқса, бундай вазиятларга мутлақо мурасасиз бўлган Европа Иттифоқининг барча дарвозалари Ўзбекистон учун ёпилди.

2016 йили Ўзбекистон бошқарувига келган Президент Шавкат Мирзиёев бу борада бутунлай ҳеч қим кутмаган позицияни эгаллади. Бу «Барқарор Марказий Осиё концепцияси» эди.

Аммо, афсуски, бу концепцияга шубҳа билан қараганлар кўпчили-

ни ташкил қилар эди. Ўртадаги муносабатлар 25 йил давомида совуқлашган, музлаб қолган, бир сўз билан айтганда, улкан айбەرларга айланганди. Бу масаланинг биринчи томони бўлса, иккинчиси 25 йил давомида олиб борилган сохта ва ёлгон тарғибот халқларимиз ўртасида ҳам чуқур ҳавотир, бир-бири билан ёвлашиш, ишончсизликни келтириб чиқарганди.

Президент Шавкат Мирзиёевга нафақат мамлакат ичидagi муаммолар, балки ташқи сиёсатда ҳам ечимини қутаётган глобал масалалар мерос қолган эди.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ИТАЛИЯ» САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 30 май куни Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган «Марказий Осиё — Италия» форматидаги олий даражадаги саммитда иштирок этади.

Тадбирда минтақа мамлакатлари етакчилари ва Италия Бош вазири иштирок этиши кўзда тутилган.

Кун тартибига мувофиқ кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, «яшил» иқтисодиёт, инвестициялар, инновациялар, фан ва таълим соҳаларида янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

ЎЗА.

Ташриф олдидан

УМУМИЙ МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН КўП ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР ПЛАТФОРМАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 май куни Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтадиган олий даражадаги «Марказий Осиё — Италия» учрашувида иштирок этади.

Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтадиган учрашувда Италия Бош вазири Жоржа Мелони ва минтақамиздаги барча бешта давлат раҳбарлари қатнашади.

Бўлажак саммитнинг аҳамияти ҳақида гапирганда, замонавий дунёда жаҳон тартиби ўзгариши фонида Марказий Осиёе нафақат минтақавий, балки глобал барқарорлик нуқтаи на-

заридан ҳам ҳақи равишда асосий стратегик ва жадал ривожланиётган кўп томонлама марказ мақомига эга бўлаётганини таъкидлаш керак. Бунга Европа етакчи давлатларининг минтақага, жумладан, Марказий Осиёга бўлажак Евроосиёе барқарорлиги архитектурасининг муҳим элементи сифатида қарайдиган Италияга доимий эътибори тасдиқлайди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



1 Таъкидланганидек, кейинги йилларда Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тез суръатларда ривожланмоқда. Шу кунга қадар икки давлат ўртасида экстрадиция, жиноят ишларида ҳуқуқий ёрдам, ҳаво қатнови, савдо-иқтисодий муносабатлар, даромад солиқлари бўйича иккиёқлама солиққа тортишни бартараф қилиш, фан ва техника каби йўналишларда жами 31 та келишув имзоланган.

Қонун билан ратификация қилинаётган ушбу Битим Бирлашган Араб Амирликлари делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида 2024 йил 17 сентябрь куни Тошкент шаҳрида имзоланган.

Хужжатда икки давлат ўртасида фуқаролик ва иқтисодий ишларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, шунингдек, ҳар икки давлат фуқароларини бир-бирининг ҳудудида тенг ҳуқуқий ҳимоя билан таъминлаш ҳамда фуқаролик ва иқтисодий масалалар юзасидан суд ва ҳуқуқни муҳофаз қилувчи органларга мурожаат қилиш имкониятини яратиш назарда тутилган.

Шунингдек, фуқаролар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш, суд ҳужжатларини тан олиш ва ижро этиш каби масалалар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тартиби ҳам белгиланмоқда.

Сенаторлар томонидан қонуннинг қабул қилиниши келгусида икки мамлакат ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳамкорлиқнинг янада ривожланишига эришиш, шунингдек, икки давлат ўртасида фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокама якунида сенаторлар томонидан қонун маъқулланди.

Шундан сўнг Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг мамлакат ҳудудларида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақидаги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, 2025 йилнинг январь — март ойларида республикада бозор хизматлари ҳажми 210,8 триллион сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 112,6 фоизга ошди. Худудлар кесимида хизматлар соҳасида юқори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳрида (116,9 фоиз), Самарқанд (114,0 фоиз) ва Навоий

(113,1 фоиз) вилоятларида қайд этилган. Жорий йилнинг биринчи чорагига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳудудларда чакана савдода 5,2 мингта, маиший хизматда 1,4 мингта, туризм билан боғлиқ йўналишларда 738 та, таълим ва тиббиёт соҳаларида 730 та ҳамда 3,6 мингдан зиёд хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилган.

Республикада янги савдо ва сервис объектларининг ишга туширилиши натижасида 23,3 мингдан зиёд иш ўринлари яратилган.

Транспорт соҳасида 3 708 та йўналишда 36,2 минг жамоат транспорти ҳаракатланиши йўлга қўйилиб, 333,6 мингта йўловчи ташиш хизматлари кўрсатилган.

Жорий йилнинг биринчи чорагига республикага 2,1 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюриб, 927 миллион долларлик туризм хизматлари кўрсатилган.

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида ҳудудлар бўйлаб 2,3 миллион кишини саёҳатга амалга оширилган. Туризм ва унга ёндош соҳалар йўналишида 1,8 мингта иш ўрни яратилган.

Сенаторлар томонидан мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар билан бирга айрим муаммоларга эътибор қаратилди.

Жумладан, хизматлар соҳасида ижара, таълимга доир, шахсий хизматлар ва савдо хизматлари ҳажми ўсиши суръатлари ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан секинлашгани ҳамда “яширин иқтисодиёт” улуши сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Шунингдек, соҳада фаолият кўрсатмасдан келаётган тадбиркорлар мавжудлиги, хизматлар соҳасида аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги дастур ижросини таъминлашда Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида ва Тошкент шаҳрида камчиликларга йўл қўйлаётгани танқид қилинди.

Ялпи мажлисда ҳудудларда хизматлар соҳасида мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш орқали хизматлар ҳажмининг ўсиш суръатларини таъминлаш, хизматлар кўрсатиш йўналишида фаолият кўрсатаётган корхоналарда ҳодимларни ишга расман қабул қилиш ва тизимда қайд этиш жараёнларини такомиллаштириш юзасидан вазифалар белгиланди.

Муҳокама якунида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни яхшиланиши тўғрисидаги миллий маъруза кўриб чиқилди.

Сенаторлар мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш, инвестициявий жозибдорлигини ошириш ҳамда давлат бошқаруви самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамият касб этадиган устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги мавқеини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича муҳокама қилди.

Иқтисодиёт ва молия ҳамда Адлия вазирликлари мутасаддилари томонидан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳалардаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Маърузада таъкидланганидек, 2024 йилда мамлакат учун устувор деб белгиланган 20 та халқаро рейтинг ва индекслардан 10 тасида Ўзбекистоннинг кўрсаткичлари яхшиланди, 2 тасида ҳолат ўзгармасдан қолди, 2 таси бўйича эса натижалар ҳали эълон қилинмаган.

Ушбу натижалар давлат органлари, жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтларининг мувофиқлаштирилган ҳамкорлиги, аниқ индикаторлар асосида амалга оширилган ислохотлар самараси экани таъкидланди. Жумладан, “Электрон ҳуқуқатни ривожлантириш” индексиди Ўзбекистон 6 поғонага юқорилаб, 193 давлат орасида 63-ўринни эгаллади. Мамлакат “юқори”дан “жуда юқори” тоифага ўтган 17 давлат қаторига кирди.

“Аёллар, бизнес ва қонун” индексиди 48 поғонага сакраш ҳисобига 190 мамлакат ичида 91-ўрин, 82,5 балл кўрсаткич қайд этилди. Сўзга чиққанлар бундай кўрсаткич гендер тенглик, аёллар ҳуқуқлари ва имкониятларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг қамровли ислохотларнинг натижаси эканини қайд этди.

Иқтисодий эркинлик индексиди ҳам 6 поғонага ўсиш қайд этилди ёки Ўзбекистондан 103-ўринни эгаллади. Шунга қарамайдан Давлат бюджетни ва давлат қарзига оид кўрсаткичларни яхшилаш борасида ҳали ҳам ислохотларни изчил давом эттириш талаб этилмоқда.

Муҳокама давомида таъкидланганидек, сўнгги йилларда халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг миллий тизими яратилган ва шу тариқа парламент назорати кучайтирилди. Ҳар йили тайёрланадиган миллий маърузада давлат органлари фаолияти, амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги ва қонунчиликни такомиллаштириш зарурати юзасидан ҳолис ва таҳлилий маълумотлар тақдим этилмоқда.

Шу билан бирга Миллий маъруза таҳлиллари айрим рейтинг ва индексларда пасайиш ҳолатларини ҳам кўрсатди. Хусусан, айрим соҳалардаги коррупция ҳолатлари, қонунларга риоя этишдаги муаммолар, матбуот эркинлигига оид камчиликлар мамлакатимизнинг рейтинглардаги мақвеига салбий таъсир қўсатмоқда.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида Олий Мажлис Сенати томонидан тегишли қарор қабул қилинди. Унда соҳалар бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш, масъул идоралар фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш, масъулиятни ошириш ҳамда рейтинг кўрсаткичларига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш бўйича истиқболга мўлжалланган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Шу билан бирга ялпи мажлисда Олий Мажлис Сенати томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятига кўмаклашиш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама этилди.

Янгиланган Конституцияда маҳаллий давлат

ҳокимияти вакиллик органларига ўз фаолиятини амалга оширишда кўмаклашиш Сенатнинг мутлақ ваколати сифатида белгиланганидан келиб чиқиб маҳаллий Кенгашлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Кенгашлар ишини сифатли ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тизимли йўлга қўйишга услубий кўмаклашиш мақсадида 20 дан ортиқ норматив ҳужжатлар тайёрланиб, амалиётга татбиқ этилган.

Хусусан, маҳаллий Кенгашлар қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш услубиёти тасдиқланган, Кенгаш сўрови, Кенгаш текшируви институтларининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган, Кенгашлар ҳузурида эксперт гуруҳларини ташкил этиш чоралари қўрилган.

Худудларни ривожлантириш ҳамда аҳоли муаммоларини ҳал этишда маҳаллий Кенгаш депутатлари ва сенаторларнинг “маҳалла еттилиги” билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини намунали ташкил этиш мезонлари ишлаб чиқилиб, жойларда ушбу мезонлар асосида ҳар бир ҳудудда биттадан туман (шаҳар) Кенгашининг фаолиятини намунали йўлга қўйиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Сенат томонидан маҳаллий Кенгашларга ҳар томонлама амалий ва услубий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида 3 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мазкур қонун лойиҳалари билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифаларини “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида аниқ тақсимлаш, такрорланувчи вазифаларни бекор қилиш, маҳаллий бюджетларни шакллантиришда депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш, маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро ва халқаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳалари ишлаб чиқилиб, унда маҳаллий Кенгашларнинг назорат ҳамда норма ижодкорлигига оид фаолиятини, депутатларнинг маҳаллий бюджет ва ҳудудларни ривожлантириш жараёнларидаги иштирокини кучайтириш, Кенгаш фаолиятида жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш, депутатларнинг сайловчилар билан ишларини янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ чоралар белгиланмоқда.

Шу билан бирга маҳаллий Кенгашлар фаолиятини рақамлаштириш, “E-Kengash” электрон платформасида фойдаланувчилар учун янада қулайлик яратиш мақсадида уларни тегишли ахборот тизимлиги билан интеграция қилиш борасида ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Ялпи мажлисда маҳаллий Кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш масалалари билан бир қаторда Сенатнинг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг муҳим вазифалари ҳам муҳокама қилинди.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашларнинг назорат ҳамда норма ижодкорлигига бўйича фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ҳудуд манфаатларига оид ҳамда аҳоли томонидан кўтарилаётган муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича имкониятларини кенгайтириш ҳамда маҳаллий вакиллик органлари депутат-

лари ва котибият ходимларининг малакасини доимий равишда ошириб бориш тизимини йўлга қўйишга оид вазифалар белгиланди.

Муҳокама якунида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш бўйича қўрилаётган чоралар юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига парламент сўрови юбориш масаласи кўриб чиқилди.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, бу борада илгор хорижий тажрибадан ҳамда замонавий диагностика ва даволаш технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, ҳудудий тиббиёт муассасалари имкониятларини янада кенгайтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида (умумий аҳоли сонининг 33,3 фоизи) 824 та оилавий шифокорлик пункти, 984 та оилавий поликлиника, 207 та кўп тармоқли марказий поликлиника ва 233 та болалар даволаш-профилактика муассасаси томонидан 12,9 миллион нафардан ортиқ 18 ёшгача бўлган болаларга тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Республика бўйича 4 247 ўриндан иборат 13 та ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ташкил этилган.

Ўтган йилда республика бўйича 18 ёшгача бўлган болалардан 11,2 миллион нафари (95,5 фоизи) тиббий қўриқдан ўтказилиб, уларнинг 3,4 миллион нафариди (28,8 фоизи) турли касалликлар аниқланган. Касаллик аниқланган 3,1 миллион бола (89,4 фоиз) соғломлаштирилган.

2024 йил якунига қадар 1,3 миллион 6 — 23 ойлик болалар микронутриент қўғи билан тўлиқ таъминланган.

Шу билан бирга ялпи мажлисда болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасаларида педиатр, неонатолог, фтизиатр, иммунолог, болалар жарроҳи, ўсимирлар педиатри каби мутахассислар етишмаслиги қайд этилди.

Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларига ҳудудлардан малакали мутахассислар қўригига йўлланмалар ошиши ҳисобига бўлаётган юқла-малар улардаги ўрин фондида ҳамда белгиланган норматив меъёрларга мос келмайди.

Шунингдек, айрим ҳудудлардаги Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида кардиохаррохлик бўлимлари ҳамда қақалоқлар жароҳлиги бўлимлари ташкил этилмаганлиги, болаларга хизмат кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасаларининг айримларида моддий-техник ҳолат талабга жавоб бермаслиги ҳамда замонавий юқори технология ускуналарга эҳтиёж мавжудлиги таъкидланди.

Ушбу масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигига парламент сўрови юбориш тўғрисида Сенат қарори қабул қилинди.

Шунингдек, сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорлари ҳам тасдиқланди.

Ялпи мажлисда ҳамият ҳаётининг барча соҳаси ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган 14 та масала, шу жумладан, 9 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

Сохта тадбиркорларга жазо чоралари кучайтирилмоқда

Мамлакатимизда тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда соғлом рақобат муҳитини яратиш борасида тизимли ислохотлар олиб бориляпти.

Муносабат

Шунга қарамай айрим шахслар томонидан сохта тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш орқали солиқ тўлашдан қочиш ҳоллари ҳам кузатилмоқдаки, бу — ҳалол рақобат муҳитига салбий таъсир қилмоқда.

Бу каби ҳолатларнинг тез-тез учраши шаффоф фаолият юритиладиган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган механизмларни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатаяпти.

Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига солиқ ва тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлагани учун жавобгарликка сабаб бўладиган зарар миқдорининг оширилиши, ёқозилган зарарнинг ўрни судга қадар ва суд муҳокамаси давомида тўлиқ қопланган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши ҳамда ваколатли органларнинг терговга қадар текширув ҳаракатларини бажариш ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ваколатлари аниқлаштирилишини назар-

га 1 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан бирга муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, ушбу қонун билан солиқлар ва йиғимларни яшир-ганлик учун ҳам жазо чоралари кўзда тутилмоқда.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ҳам ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тайинланган вакил тадбиркорлик субъектининг фаолияти билан боғлиқ жиноят ишида суриштирув, дастлабки тергов ёки суд жараёнида тадбиркорлик субъектининг талабига қўра жамоат ҳимоясини сифатида иштирок этиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш каби ҳолатлар билан боғлиқ жавобгарлиқни аниқлаштирувчи нормалар белгиланмоқда.

Солиқ соҳасидаги қонунчиликни мустаҳкамлаш барча соҳани янада ривожлантириш учун ишончли пойдевор вазифасини ўтайди ва мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишида муҳим омил бўлади.

Кобулшан ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ НАТИЖАЛАРИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Сенат қўмитасида

Унда Сурхондарё вилоятида мактабгача таълим тизимини янги bosқичга олиб чиқиш ва болаларнинг тўлиқ қамровини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Сурхондарё вилояти мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятида қатор камчилик ва муаммолар ҳам аниқланган. Жумладан, мактабгача ёшдаги болаларнинг мактабгача таълимга қамрови ўтган йиллардагига нисбатан ошган бўлса-да, республикада энг охириги ўринларда қолмоқда. Денов туманида болаларнинг 44,1 фоизи, Бойсун туманида — 37,6, Сарйосиё туманида — 37, Шеробод туманида — 35, Олтинсой туманида — 34,8 ҳамда Узун туманида 33 фоизи мактабгача таълимга қамраб олинмаган.

Сенаторлар томонидан айрим мактабгача таълим ташкилотларида “Илк қадам” давлат дастури доирасида 5 та ривожланиш соҳаси бўйича болаларнинг ри-

вожланиш хариталари тўлиқ юритилгани, вилоятдаги 33 та мактабгача таълим ташкилоти мослаштирилган бинаоларда фаолият олиб бораётгани, айримларининг бинаолари эски, таъмирталаб бўлиб қолгани қайд этилди.

Мажлис якунида кун тартибидида масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди ва унда вазирлик, ташкилотларга ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигига боғча ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим билан қамровини ошириш, мавжуд мактабгача таълим ташкилотларини зарур инфратузилма билан таъминлаш юзасидан тегишли вазифа ва тавсиялар берилди.

Давлат ташкилотларида маслаҳат кенгашлари фаолияти таҳлили

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаол иштирокини таъминлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ва гендер тенглик масалаларига давлат сиёсати даражасида ёндашиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўрганиш

Шу мақсадда Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режасига мувофиқ давлат ташкилотлари ва муассасаларида гендер тенглик масалалари бўйича фаолият юритувчи маслаҳат

кенгашларининг иш самарадорлиги ўрганилмоқда.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тўзилиб, жойларда режа-ҳадвал асосида ўрганишлар олиб бориляпти.

Жумладан, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши, Соғлиқни сақлаш, Мактабгача ва мактаб таълими, Спорт ҳамда

Маданият вазирликларида ушбу жараён ўрганилиб, маслаҳат кенгашлари органлари фаолиятининг натижадорлиги, улар томонидан амалга оширилган ишлар ҳолати таҳлил қилинмоқда.

“Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ меҳнат жамоаларида гендер масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Мақсад меҳнат жамоаларида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имко-

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОНГА ОЧИЛАЁТГАН ЕВРОПА ДАРВОЗАЛАРИ

2016 йилда халқаро экспертлар Ўзбекистон раҳбарининг бу сайёҳаракатларидан бирон-бир натижа чиқмаслигини зўр бериб башорат қилган эдилар. Бунинг сабаби бор, албатта. Чегара постлари бер-китилган эди. Халқаро йигинларда Марказий Осиёдан борган делегациялар бир-бирига терс қарар, бир-бирининг фикрларига қарши чиқарди. Тўхтовсиз бир-бирини айбларди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ортга қайтмас кучли сиёсий иродаси билан бу тугунларнинг барчаси ечилди. Нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ўртасида ҳам манфаатлар мувозанатига эришилди. Узаро мулоқотлар тикланди, барча саволларга жавоб топилди.

Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг тарихий ташаббуси билан “Марказий Осиё руҳи” яратилди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги барча зиддиятларга батамом нукта қўйилди. Бу жараёнларни кузатиб бораётган халқаро экспертлар фикрларини ўзгаришига мажбур бўлдилар. Президент Шавкат Мирзиёевнинг узокни кўзлаб амаалга оширган гоёлари Марказий Осиёда ғалаба қозонганди.

Бу туб бурилиш нафақат Ўзбекистон учун, балки барқарор Марказий Осиё учун, биринчи навбатда, дунё эшикларини, Европа дарвозаларини очиб берди. Бугун бундай дейишга тўла асосларимиз бор. Европа Иттифоқи давлат раҳбарларининг Ўзбекистонга бўлган иштишши ва қизиқиши Самарқандда ташкиллаштирилган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида тўла маънода намён бўлди. Бу нуфузли анжуманда Европа Кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа Комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйеннинг катнашиши муносабатларда бутунлай янги давр бошланганини намойиш этди.



Саммитта Самарқанд шаҳрининг меъбонлик қилишида ҳам рамзий маъно бор, албатта. Президент Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаганидек, Самарқанд цивилизациялар мулоқоти ҳамда Шарқ ва Ғарб ўртасидаги дипломатия, савдо ва маданий алмашувларнинг муҳим маркази бўлган. Давлати муҳим раҳбари саммитдаги нутқида бугунги натижаларга осонликча етиб келинмаганлигига, бунинг учун гоётда мураккаб ва машаққатли йўл босиб ўтилганлигига эътибор қаратар экан, бундан саккиз йил олдин Ўзбекистон билан Европа тиклианиш ва тараққиёт банки муносабатлари тўхтаб ётган бўлса, бугунги кунга келиб биз банкнинг энг йирик бенефициарларидан бири эканлигимизни таъкидлади.

Ўзбекистон Президентининг кучли сиёсий иродаси нимада намён бўлади?

Шавкат Мирзиёев фақат Ўзбекистон эмас, бутун минтақа — Марказий Осиё юксалишини, ривожланишини, ҳамжиҳат бўлишини истади. Бу олтин тамойил Европа Иттифокнинг қарашларига, истакларига мос келади. Демак, биринчи кадам муваффақиятли равишда Марказий Осиё томон ташланган бўлса, иккинчи кадам Европа Иттифоқи, бутун дунё томонга ташланади.

Бугунги дунёда геосиёсий зид-

диятлар, йирик минтақавий можаролар, ижтимоий-иқтисодий таҳдидлар тобора кучайиб бораётганига ғувохмиз. Бундай вазиятда қарор қабул қилиш қийинлашади. Президентимиз таъкидлаганидек, “хеч бир минтақа кенг халқаро ҳамкорликсиз бу қадар мураккаб масалаларни муқтақил ҳолда ҳал этишга қодир эмас”.

Барқарор Марказий Осиёда трансформация жараёнлари кечмоқда. Бу, ўз навбатида, Марказий Осиё ва Европа Иттифокнинг узаро ақын ҳамкорлиги учун талаб тобора ошиб боришига олиб келади.

Президент Шавкат Мирзиёев саммитдаги нутқида Барқарор Марказий Осиё концепциясига қандай эришилганлигига алоҳида тўхталди: “Бундан етти-саккиз йил аввал бунинг учун ҳатто шариоит ҳам йўқ эди. Базми мамлакатлар ўртасидаги чегаралар ёпиқ эди. На савдо, на транзит, на бизнес, ҳеч қандай гуманитар алмашувлар йўқ эди. Муносабатлар шунчаки музлатиб қўйилганди. Ушанда ҳеч ким ақин келажакда биз Европа етакчилари билан музокара-ларда минтақамизни бирогаликда намён этишимизни тасаввур ҳам қила олмаас эди”.

Бугун Барқарор Марказий Осиё концепцияси тўла маънода ишламоқда. Бу концепция асрлар давомида шакланган жуда кўп сохта қарашларга батамом барҳам берди. Марказий Осиё учун янги коридор очилишига имконият яратди. Мустабид тузумдан мерос бўлиб қолган, аллақачон ўз умрини яшаб бўлган иқтисодий қарамлик ботқоғидан чиқиб олишимизга ёрдам берди.

Бутун дунёда иқтисодиётдан кўра хавфсизлик биринчи ўринга чиққан бир даврда яшаяпмиз. Президент Шавкат Мирзиёев алоҳида ургу берганидек: “Марказий Осиёнинг очилиши ва барча шериклар билан узаро манфаатли ҳамкорликка тайёр экани минта-

қада хавфсизлик ва фаровонлики таъминлашининг энг муҳим шартига айланди”.

“Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити ақунлари бўйича икки минтақа ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнатишни назарда тутувчи қўшма декларация қабул қилинди. Бу Марказий Осиё дипломатиясининг XXI асрдаги энг катта ютуқларидан бири сифатида баҳоланмоқда.

Мен, бир самарқандлик олим сифатида қадимий шахримиз бундай тарихий жараёнларга меъбонлик қилаётганидан фахрланаман. Бир пайтлар бутун жаҳоннинг бош кенти, пойтахти мақомига эга бўлган Самарқандга тарихий шон-шавкат қайтди. Самарқанд руҳи қайтди.

Тарих такрорланадими?

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитидаги нутқида илгари сурилган мана бу фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман: “Амир Темур бундан олти асрдан зиёд вақт олдин айнан шу заминда туриб эркин ва хавфсиз савдони таъминлаш мақсатида Европа ҳукмдорлари билан фаол мулоқотларни йўлга қўйган. Бизнинг Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек ва бошқа буюқ аллома ва мутафаккирларимиз жаҳон, жумладан, Европа илм-фани ва фалсафаси ривожига беқиёс ҳисса қўшганини албатта қайд этмасдан ўтказмаймиз”.

Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони расмий ташрифи доирасида Самарқандда Рим кўчаси очилди. Имомин қомил, Самарқандда ҳали Будапешт, Берлин, Париж, Брюссель, Мадрид каби кўчалар ҳам бўлади. Ўзбекистон учун Ер юзида ёпиқ эшиклар қолмайди.

Рустам ХОЛМУРОВОД, Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан ақроби, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ИШОНЧЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОР

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида Европа давлатлари билан узаро манфаатли ва барқарор муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда Италия билан муносабатлар алоҳида ўрин тутди. Чунки ушбу давлат нафақат Европа Иттифокнинг асосий аъзоларидан бири, балки ўзига хос иқтисодий ва технологик салоҳиятга эга мамлакат сифатида Ўзбекистон учун ишончли ва истиқболли ҳамкор саналади.

Фикр

Таъкидлаш жоизки, 2023 йил июнь ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Италияга расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон ва ушбу мамлакат ўртасида стратегик шериклик муносабатлари тўғрисидаги декларация имзоланган эди. Мазкур ҳужжат ўзаро алоқалар учун мустаҳкам пойдевор яратиб берди. Кейинроқ 2023 йилнинг ноябрида Италия Президенти Сержо Маттарелла мамлакатимизга жавоб ташрифи билан келгани олий даражадаги мулоқотларнинг изчил давом этаётганидан далолат.

Шу билан бирга, икки мамлакат парламентлари, вазирлик ва идоралари, ҳудудлар ўртасидаги муносабатлар ҳам фаоллашиб бормоқда. Ўзбекистон — Италия иқтисодий алоқалари барқарор суриятларда ривожланияпти. 2023 йил якунига кўра икки томонлама товар айланмаси 437 млн. доллардан ошди. Ўзбекистон Италияга, асосан, тўқимачилик, рангли металл, ёқилғи маҳсулотлари етказиб бормоқда. Италиядан эса машинасозлик, электр ускуналари, машиий техника ва эҳтиёт қисмлар, хизматлар, текстиль маҳсулотлари, қурилиш техникаси ва юқори технологик ускуналар импорт қилинмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда Италия капитални иштирокидаги 50 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улардан 31 таси қўшма корхо-



на ҳисобланса, 24 тасида Италия капитални 100 фоиз улушга эга. Мазкур компаниялар фармацевтика, озиқ-овқат саноати, қишлоқ ҳўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрймоқда.

Шу билан бирга, Италия томони Ўзбекистонда амалга оширилаётган “яшил” иқтисодиёт, қайта тикланувчи энергия манбалари ва инфратузилма лойиҳаларига катта қизиқиш билдирмоқда.

Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги ҳамкорлик фақат иқтисодий соҳалар билангина чекланиб қолмаяпти. Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ва гуманитар алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Хусусан, Турин политехника университети ва Пиза университети Тошкентдаги филиаллари, Бухоро шаҳрида Луиджи Ванвители номидаги Кампания университети филиали фаолият кўрсатмоқда. Таълим, дизайн, архитектура ва тиббиёт соҳаларида кўшма дастурлар амалга оширилмоқда.

Италияда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кўнлари, кино

хафталиклари ва кўрғазмалар халқларимиз ўртасидаги ақын мулоқотни янада мустаҳкамламоқда. Ўзбекистон ёшлари орасида италян тили ва маданиятига бўлган қизиқиш ортиб бораётгани ҳам бунга далилдор.

Куни кеча Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелонининг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлди, десак, муволафа бўлмайди. Бўлиб ўтган музокаралар ақунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони Стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қилди.

Бундан ташқари, янги лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Хукуматларо гуруҳ ишини қайта тиклаш ва унинг йўналишини бизнес форуми билан бирга ўтказишга келишиб олинди. Таълим соҳасида мамлакатимизда Тушия университети филиалини, Пиза, Тренто, Рома Тре ва Ка-Фоскари университетлари билан икки томонлама диплом дастурларини ишга тушириш режалари қўллаб-қувватланди.

Умуман олганда, мазкур ташрифда имзоланган ҳужжатлар, эришилган келишувлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни нафақат амалий, балки стратегик йўналишда мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлади.

Сўйдалу АЗИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофиа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Аҳоли билан очиқ мулоқот:

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Шу кўнларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан ақиндан мулоқот қилиш, тадбиркорлар муаммоларини ўрганиш, уларга ижобий ечим топди, тиббиёт муассасалари фаолияти билан ақиндан танишиш мақсидида

Депутатлар — ҳудудларда

Томорқадан самарали фойдаланиш кенг оммалашади

Қонунчилик палатаси депутати Равшан Мамутовнинг Қорақалпоғистон Республикасининг Элиқалъа туманида аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, фермер ҳўжаликлари вакиллари билан учрашувлари қизғин ўтмоқда.

Депутат дастлаб тумандаги “Гулдурсин галла кластери” МҲЖ ҳамда Навоий овулида жойлашган “Нуруммат Қурбонов” кўп тармоқли фермер ҳўжалиғида бўлиб, унинг фаолияти билан ақиндан танишди.

Мулоқотларда соҳага доир олиб борилаётган ислохотлар, қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида атрафлича маълумот берилди. Кластер ва фермер ҳўжалиғи раҳбарларининг фикр-мулоҳазалари, тақлифлари тинланди.

ҳудудларда бўлиб, барча соҳада олиб борилаётган ишлар билан танишмоқда. Халқ вакиллари маҳалла фаоллари, ишлаб чиқариш корхоналари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар билан учрашиб, қўйи палатада қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумотлар берапти.

Учрашувлар давомида депутат туманининг “Амиробод” ОФИда ҳам бўлиб, “маҳалла еттилиги” фаолияти билан танишди. Унинг иш самарадорлигини ошириш бўйича зарур тақлиф ва тавсиялар берилди. Шунингдек, аҳоли билан очиқ мулоқотларда уларнинг муурожаатларини тинглади.

Мазкур ҳудудда яшовчи фуқаро С. Айтиов кўмир олишда қийинчиликлар бўлаётганини билдириб, белгиланган ҳар оилага 2 тонна микродорини 3 тоннага ошириш, фуқаро Файзулла Каримов эса суюлтирилган газ олишда навбат бўлаётганини айтиб, шу масалада депутатдан амалий ёрдам сўради. Халқ вакили ҳар иккала масалани ҳам ўз назоратида олиб, уларга ижобий ечим топш чораларини кўришини маълум қилди.

Депутат, шунингдек, аҳолининг ер майдонларидан унумли фойдаланиш, даромад манбаларини кен-

гайтириш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганди. Жумладан, томорқадан самарали фойдаланиб келаётган омилкор Шарофат Сабурова хо-надонида бўлиб, бу каби тажрибаларни кенг оммалаштириш бўйича амалий тавсиялар берди.

Болалар саломатлиги — келажак гарови

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тохир Полвонов Хоразм вилоятида бўлиб, Янғариқ туманида жойлашган 1-мактабга таълим ташкилоти фаолияти билан танишди.

Депутат бу ерда болажонлар учун яратилган шарт-шароитлар, қулайликларни кўздан кечириб, сўнгги йилларда юртимизда мактабга таълим тизимини ислох

қилиш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларга ишонч ҳосил қилди.

Шунингдек, у болалар орасида эрта босқичдаёқ муайян касалликларни аниқлаш учун ташкил этилган тиббий қўриқда ҳам қатнашди. Унда муассасанинг 170 нафар тарбияланувчиси чўқурлаштирилган текширувдан ўтказилиб, аниқланган касалликларни бартараф қилиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

— Болалар бизнинг келажакимиз гаровидир. Агар биз ота-оналар билан биргаликда эртамаши эгаларининг соғлиғига эътибор қаратсак, аниқланган касалликларни ўз вақтида даволасак ва уларнинг олдини олсак, ёш авлоднинг соғлом ва баркамол ўсишига беқиёс ҳисса қўшган бўламиз, — деди депутат.

Учрашувда мактабга таълим муассасаси раҳбари ва ота-оналарнинг фикр-мулоҳазалари тинланди, уларни ўйлантриб келаётган масалалар назоратга олинди.

«Happy kids» фаолияти ўрганилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойдин Абдуллаева Тошкент шаҳрининг Абдунозор ту-

манидаги “Happy kids” хусусий мактабга таълим ташкилоти фаолияти билан танишди. Мазкур муассаса ўз биносига эга бўлиб, зарур барча жиҳозлар билан таъминланган. Бино ичидаги шарт-шароитлар қонқарли даражада.

Тарбияланувчи болақайлар ўқув машғулотларида ўқув жараёни билан банд. Инглиз тили, тасвирий санъат машғулотлари талаб даражасида ташкил этилган.

Мутасаддилар билан бўлган суҳбат чоғида болаларда сколиоз ва ясситовонлики аниқлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида сўз бораркан, ушбу масала ота-оналар томонидан амалга оширилиши аниқланди. Яъни богча мутасаддилари боланинг саломатлиғига оид етишмовчиликларни аниқлаш масаласини ота-оналарнинг зиммасида қолдирар экан.

Ваҳоланки, мактабга таълим ташкилотлари ўз тарбияланувчиларининг ақлий ва жисмоний соғломлигини аниқлаб, касалликларнинг олдини олиш борисида муайян тиббиёт муассасалари билан ҳамкорлик қилиш мақсдага мувофиқ.

Депутат ушбу масалани “Адолат” СДП фракцияси йўғилишининг кун тартибига кирийтиб, унинг муҳокамасини ўтказиш юзасидан вазифани белгиллаб олди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги ўрганишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

УМУМИЙ МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН КЎП ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР ПЛАТФОРМАСИ

Италия “Марказий Осиё плюс” форматига қўйилган ва уни ўзининг ташқи сиёсатидаги устуворликларига мослаштирган биринчи Европа Иттифоқи давлати бўлди. Аънавий икки томонлама музокаралардан фарқли ўлароқ, ушбу формат минтақанинг барча бешта давлатини Италия билан умумий кун тартиби орқали бирлаштиради. Бу қадам сайёҳаракатларни узаро ҳамкорлиқнинг муайян каналларига ажратмасдан, кенг қўламли масалаларни самарали мувофиқлаштириш имконини берувчи мунтазам мулоқотга асос солди.

“Италия — Марказий Осиё” биринчи конференцияси 2019 йил декабрь ойида Римда Италия ташқи ишлар вазири Луиджи Ди Майо ташаббуси билан бўлиб ўтган эди. Рим бир вақтинг ўзида Марказий Осиё давлатларидан бешта делегация ва Европа Иттифоқи вакилларини тақлиф этиб, сиёсат, иқтисодиёт, фан ва маданиятни бирлаштирувчи кенг қамровли мулоқот ўтказишга тайёрлигини намойиш қилди.

Учрашувнинг давомийлиги 2021 йил декабрь ойида ТИВ раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви билан янада мустаҳкамланди. Тадбирнинг очилиш қисмида ҳамкорлик формати ўзининг долзарблиғи ва амалий фойдасини исботлагани таъкидланди. Анжуманларини икки йилда бир марта навбатманавбат Италияда ва Марказий Осиё пойтахтларидан бирида ўтказиш тўғрисидаги келишув форматдаги мунтазамлик ҳамда изчиллигини таъминлади.

2024 йил май ойида бўлиб ўтган учра-

шувда Италия томони “яшил” энергияга ўтишга алоҳида эътибор қаратди. Италия компаниялари ҳамкорлар билан биргаликда қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш лойиҳаларини тақдим этди. Суғориш тизимларини модернизация қилиш, чўлланишга қарши курашишда сув ресурсларини бошқаришнинг рақамли технологияларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди. Вазирлар, шунингдек, Европанинг “Глобал дарвоза” ташаббуси доирасида Транскаспий транспорт-логистика йўғалигини ривожлантириш истиқболларини кўриб чиқдилар ҳамда Каспий денгизида терминаллар қуриш ва порт хабарларни модернизациялаш бўйича қўшма техник-иқтисодий асосларни тайёрлашга келишиб олдилар.

Томонлар иқтисодий йўналишда ҳам фаоллигини намойиш этмоқда. Бугун гап нафақат савдо-сотик, балки таркибий инвестициялар, саноат кооперацияси ҳақида ҳам кетмоқда. Айниқса, италян бизнесининг мудофиа саноати, энергетика, машинасозлик ва агросаноат маҳмуасидаги лойиҳаларга қизиқиши ортиб бораётгани диққатга сазовордир. Бу Италиянинг минтақанинг ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашувини ўзгаришида қатнашиш истагини кўрсатади.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик яна бир муҳим устувор йўналишидир. Италия Ғарб ва минтақа ўртасида кўприк вазифасини ўтайди, тиббиёт, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида таъриба алмашши ёрдам беради. Учрашув давомида Пиза ва Миландаги етакчи университетларда кадрларни биргалик-

да тайёрлаш, стажировкаларни ташкил этиш, барқарор ривожланиш ва рақамлаштириш бўйича илмий-техник форумлар ўтказиш тўғрисида баённомалар имзоланди. Бу нафақат одамларга, балки ишончга ҳам инвестициядир.

Афғонистондаги беқарорлик ва етакчи давлатлар билан узаро ҳамкорлик форматларининг ўзгариши фонида Италия дипломатияси Марказий Осиё масалаларини ташқи сиёсат дастурига тобора кўпроқ киритмоқда. Италия вакиллари Марказий Осиё барқарорлиги маҳвум категория эмас, балки қўшни беқарор ҳудудлардан келаётган трансмиллий терроризм, наркотрафик ва бошқа таҳдидларни жиловлашнинг амалий шарти эканини таъкидлаётгани бежиз эмас.

Ейнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакиллари Петер Буриан ва Тойво Халаканнинг иштироки Брюссель мулоқотни барча бешта давлатнинг сайёҳаракатлари ва манфаатларини бирлаштириш имконини берувчи стратегик аҳамиятга эга Европа лойиҳаси сифатида қўришини таъкидлади. Дипломатик ва колатхоналарнинг юкламаси ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда Италия ТИВнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили лавозими таъсис этилди. Мазкур лавозимга фахрий дипломат Жанлука Гранди тайинланди. Унинг ваколатига саммитларни мувофиқлаштириш, бизнес миссияларини қўллаб-қувватлаш, илмий ва таълим форумларини ташкиллаштириш ҳамда тегишли таҳлилий органлар билан ҳамкорлик қилиш қиради.

Ўтган йиллар ақунларини сарҳисоб қилар

эканмиз, ишонч билан айтишимиз мумкинки, “Марказий Осиё — Италия” формати Римдаги илк учрашувидан барқарор, кенг қамровли ҳамкорлик платформасига ҳам бўлган узок йўлни босиб ўтди. Бу вақт мобайнида у томонлар ўртасида юқори даражадаги ишонч, шунингдек, амалий ҳамкорлики кенгайтириш истагини намён этди.

Остонада бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё — Италия” саммити қайта тикланадиган энергия манбалари, транспорт йўғалиқларини ривожлантириш, сув ресурсларини бошқариш ва логистикани рақамлаштириш каби муҳим йўғалишларда аниқ лойиҳаларни мувофиқлаштириш платформасига айланишини ваъда қилмоқда. Саммитда “яшил” энергияга ўтиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши, шубҳасиз. Иштирокчилар минтақа иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва карбонсизлантириш бўйича қўшма стратегияни ишлаб чиқилари мумкин бўлади.

Олий даражадаги учрашув 3-4 апрель кўнлари Самарқандда бўлиб ўтган биринчи “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммитида эълон қилинган ташаббусларни амалга ошириш, хусусан, 12 миллиард евролик инвестиция пакетини ишлаб чиқишга ҳам қўшима туртки бериши мумкин.

Бўлажак Остона саммити ягона стратегик минтақа сифатида Марказий Осиё давлатлари ва Италия учун умумий манфаатларга асосланган тизимли ҳамда кенг қамровли узаро манфаатли муносабатларни йўғла қўйиш имкониятидир.

«Дунё» АА.

Паркент тумани марказида узунлиги 57 метр бўлган, 6 тасмали замонавий марказий кўприк фойдаланишга топширилди.

НЕГА РЕПЕТИТОР ХИЗМАТИГА ЭХТИЁЖ СЕЗИЛМОҚДА?



Мустақил ҳаётга қадам қўяётган Жаҳонгир Болтаевнинг эртасидан ота-онасининг ҳам, у таҳсил олган Бухоро шаҳридаги 38-умумтаълим мактаби жамоасининг ҳам кўнгли тўқ. Негаки, бу иқтидорли юртошимиз бир эмас, учта хорижий давлатнинг нуфузли олий ўқув юртига муддатидан аввал грант асосида ўқиш имкониятини қўлга

киритди. Ҳўш, унинг бу ютуғида кимнинг улуши кўпроқ? Мактабдаги устозлариникими ёки репетиторнинг? — Репетиторга борганман, албатта, — дейди у. — Ўқув марказига, асосан, хорижий тилларни чуқурроқ ўрганиш учун катнаганман. Ойига 700 минг сўм тўлаб ўқишганман. Аммо мактабдаги устозларим берган билимини алоҳида қадрлайман. Қолаверса, шу билим сабабли репетитор сабоқларини қийинчиликларсиз ўзлаштирдим.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Сирасини айтганда, битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириши борасида бухоролик ўқувчилар кўп йиллардан буён республикада етакчи ўринда. Буни Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги таҳлиллари ҳам кўрсатиб турибди. Масалан, 2024 йилги натижаларга кўра вилоят 89,1 балл тўплашга муваффақ бўлган. Шу аснода бу ютукда мактаб жамоасининг улуши кўпми ёки ўқув марказлари, яъни репетиторларнинг ҳиссаси юқорими, деган масала атрофида кўплаб баҳо-мунозаралар юзага чиқаётгани ҳам рост. Ўқувчи мактабда олган билими билан нега олий ўқув юртига киришда қийналмоқда, деган савол жамоатчиликини ҳам безовта қилпти.

— Ўғлим мактабда “аъло” баҳо-ларга ўқиганди, — дейди ғажудов-лик уй бекаси Манзура Эргашева. — Аммо тест синовларида олий ўқув юртига ўқишга кириш учун етарли балл тўплай олмади. Шундан сўнг ўқув марказларидан бирига бориб, етти-саккиз ой давомида таҳсил олди. Бунинг учун анча-мунча маблағ сарфлашимизга тўғри келди, албатта. Лекин ҳаракатлари зое кетмади. У ҳозир университетда грант асосида ўқимоқда.

Шу каби кўплаб ҳаётий мисоллар бизни ўқитувчилар репетиторлар ҳузурига чорлади.

— Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллигига бағишланган байрам шодиёна-сида сўзлаган нутқида “Муаммоларимизнинг ечимни, саволларимизнинг жавоби фақат ва фақат таълимда. Ҳамма эшикларни очадиган калит ҳам фақат ва фақат таълим ҳамда тарбиядир. Шу сабабли, мактаб таълимини ислоҳ қилиш бўйича катта

дастур қабул қилдик”, дея таъкидлагани бежиз эмас, — дейди Бухоро шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби директори Замира Аҳмедова. — Шу билан бирга, бу борада ечимини ку-таётган масалалар тўпланиб қолганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Мана, битирувчиларнинг олий ўқув юртла-рига ўқишга кириш масаласини олиб кўринг. Очигини айтсак, мактаб дарсликлари орқали бериладиган билим билан олий ўқув юрти талабаси бўлиш мушкул. Негаки, тест савол-ларида жавобни мактаб дарсликларидан тополмайсиз. Шу сабабли,

“ Репетитор хизматидан фойдаланган, давлат тест синовларидан ўтиб талабалikka қабул қилинган аксарият ўғил-қизларимиз “манتيкий фикрлаш”, “матини эътибор бериб тинглаш”, деган тушунчалардан узоқлашди. Ҳусниҳатни-ку, айтмай қўя қолайлик. Уларда тест саволларининг жавобини ёд олиш устувор масалага айланди. ”

ота-оналар ўз фарзандини репети-торга беришга мажбур бўляпти.

Таассуфки, танганинг орқа томо-ни ҳам бор. Репетитор хизматидан фойдаланган, давлат тест синовла-ридан ўтиб талабалikka қабул қилин-ган аксарият ўғил-қизларимиз “ман-тикий фикрлаш”, “матини эътибор бериб тинглаш”, деган тушунчалар-дан узоқлашди. Ҳусниҳатни-ку, айт-май қўя қолайлик. Уларда тест сав-олларининг жавобини ёд олиш ус-тувор масалага айланди. Ҳатто та-ваккал қилиб тест ечган, натижада керакли балл тўплаган ва олий ўқув юрти талабасига айланганлар бор.

Бир пайтлар иншо, диққатларни қўйилмақом қилиб ёзган, ўқиган ки-тоби мазмун-моҳиятини ширали

тарзда тушунтира олган ота-оналар-нинг фарзанду невараларини бугун тест жавобларини ёдлаш билан бандли-гини кўриш афсусланирди, албатта.

— Олий ўқув юртига кириш учун репетиторга боришимга тўғри кел-ган, — дейди 2-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчи-си Гўлчехра Раҳматова. — Чунки мак-таб дастури билан институт ёки уни-верситетга ўқишга киришнинг амал-да имкони йўқ. Қолаверса, мактаб ўқитувчиси билан репетитор фаоли-яти ўртасида анча тафовут бор. Ўқитувчи бир синфда 30 — 35, ҳатто

ликлар учрамоқда. Дейлик, 5-синф математика фани дарслиги мурак-каб ва саёз. Айрим дарсликлар мак-таб ҳаётини чуқур билмаган муал-лимфлар томонидан ёзилгани сезилиб туради.

— 3-синф дарслигида мисол йўқ, кўпайтириш, бўлиниш ҳақда гап йўқ, — дейди педагог Дилфуза Мўхамме-дова. — Масала шарт мураккаб. У ҳатто ўқитувчини ҳам ўйлантириб қўяди.

Бу ҳақда, қисқача бўлса-да, тўхталишимиз бежиз эмас. Дарслик-ларимиз пишиқ-пухта, тушунарли, ўқувчи ёшига мос тарзда, муҳими, олий ўқув юртига кириш имконини берувчи тестларга мувофиқ ёзил-мас экан, ўғил-қизларнинг билими ҳаминқадар бўлиб қолаверади. Ре-петиторга келсак...

— Биз 2020 йилдан буён фаолият юритиб келямиз, — дейди Бухоро шаҳридаги “Qorakol ta’lim” ўқув мар-кази раҳбари Оғабек Нарзиев. — 4 — 11-синф ўқувчиларига матема-тика ҳамда инглиз тили фанлари йўналишида сабоқ бераймиз. Нати-жаларимиз яхши. 35 нафар шогир-димиз хориж ҳамда республикамиз-нинг нуфузли олий ўқув юртларига муддатидан олдин ўқишга кириш бах-тига муяссар бўлди. Мактаб дарсли-ги асосида берилган билим билан олий ўқув юртига кириш қийин, де-ган фикрга қўшиламан. Менимча, мактаб таълими соҳасида ҳали қили-нажак ишлар кўп. Билим ҳаётдан уз-илиб қолмаслиги керак. Масалан, Буюк Британияда дарслар ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ тарзда ўтила-ди. Қолаверса, хорижда олий ўқув юртига ўқишга кириш осон, аммо ўқиш кетиш қийин. Бизда бунинг те-сарисини кўрасиз. Назаримда, бу биз ўрганишимиз керак бўлган муҳим жиҳат.

— Президент мактаби ўқувчилари орасида ҳам бизда таҳсил олган ўғил-қизларни кўриш мумкин, — дея суҳбатга қўшилади мазкур ўқув мар-кази ташкилотчиларидан яна бири Шохжаҳон Йўлдошев. — Биз бола-ларни билими, тушунчаси, салоҳия-тидан келиб чиққан ҳолда уч поғона-га ажратганмиз. Шуни ҳисобга олиб улар билан ишлаймиз. Бошқача айт-ганда, “касали”га қараб даволаймиз.

Назаримизда, педагог билан ре-петиторнинг қарашлари айни шу нуқ-тада туташади.

— Худди тиббиётда бўлгани каби таълимда ҳам ташхис қўйиш жуда муҳим, — деб давом этади Замира Аҳмедова. — Агар ташхис тўғри қўйилса, бемор тузалади. Саломат-лиги тикланади. Бинобарин, биз таъ-лимда ҳам ташхис қўйишда адаш-маслигимиз керак. Бугун мактабни аранг битириб, ота-онасининг маб-лағи эвазига репетитор қўлида ўқиган, кейин эса қайсида бир ҳу-сусий олий ўқув юрти талабасига ай-ланган ёшларни ҳам кўриб турибмиз.

Таъжирибали педагогнинг айтгани-ча бор. Эртага шундай ёшлардан қандай кадр етишиб чиқади? Дей-лик, билими саёз, аммо шартнома асосида институтда ўқиб, шифокор-лик дипломини қўлга киритган бун-дай кадр саломатлик ҳимоячиси эмас, балки одамлар ҳаёти кушан-дасига айланиб қолмайдими?

Бинобарин, гап давлат ва жамият учун сув ва ҳаводек зарур малакали кадрлар тайёрлаш ҳақида борар экан, таълимдаги кўплаб масалалар қаторида “Фарзандларимиз нега ре-петитор хизматига эҳтиёж сезишмоқ-да?” деган саволга ҳам жўяли жавоб бериш мавриди аллақачон келди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

МУДОФАА СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

Кеча пойтахтимиздаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида “Мудофаа соҳасида инновацион технологиялар — 2025” фестивали старт олди.

Унда Қуролли Кучларга зарур бўлган замонавий технологиялар, металлургия, кимё саноати ҳамда текстиль соҳасида икки мақсадга мўлжалланган ишлаб чиқарувчи ташкилот, йирик корхона, жисмоний шахслар ва ихтирочилар ўзларининг маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

Фестиваль

Фестиваль аввалида тантанали очилиш маросими ташкил этилиб, унда соҳа мутасаддилари, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари жам бўлди. Унда бир гуруҳ масъул-лар сўзга чиқиб, юртимизда иккинчи бор ўтказилаётган ушбу фестивал-нинг аҳамияти ҳақида тўхтади.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда Қуролли Кучларимиз Олий Беш Қўмондон Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида миллий армиямиз киёфасини тубдан ўзгартириш, ҳар-бий соҳага оид инновацион ғоялар ҳамда технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, илмий тадқиқот, таъриба-конструкторлик тадбирла-рини самарали йўлга қўйиш бора-сида кенг қўламли амалий ишлар олиб боришмоқда.

Мазкур фестивал инновацион ғояларни амалиётда синовдан ўтқа-зиш, ёшлар ўртасида замонавий те-хнологияларга қизиқишни янада ку-чайтириш ва муҳандислик соҳасига кенг жалб этиш, ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхона ҳамда ташкилот-ларни мудофаа саноати соҳасига йўналтиришни мақсад қилган.

Фестивалнинг бу йилги тадбир-лари доирасида ҳам мудофаа сано-атида оид замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар, робототехника-лар, кимё-технологиялари, кон-ме-таллургия соҳасига оид маҳсулотлар кўргазмаси намойиш қилинмоқда. Шунингдек, фестиваль доирасида



ёшлар ўртасида киберспорт, ҳаке-рлик устаси, дастурлаш, “3D” модел-лаштириш технологиялари, роботлар жанги, учувчисиз учиш аппаратла-рини лойиҳалаштириш, ракетамодел, дрон-рейсинг ва келажак транспорт технологиялари робототехникаси йўналишларида мусобақалар бўлиб ўтмоқда.

Таъкидлаш лозимки, дастурлаш ва робототехникага қизиқадиган ёшлар учун ушбу фестиваль ўз ғояларини рўёбга чиқариш ҳамда соҳадаги би-лимларини янада ривожлантириш йўлида биринчи қадам вазифасини ўтайди. Фестивалда саралаб олин-ган иқтидорли ёшлар ва фуқарола-рга келгусида мудофаа саноати кор-хона ҳамда заводларида ўзларининг ишланмаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари ва ишга жойлаши-ши учун кенг имкониятлар яратилиш-и кўзда тутилган.

Фестиваль 31 май кuni якунла-нади.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

«Россия маданияти кунлари» – мамлакатимизда

Айни кунларда мамлакатимизда “Россия маданияти кунлари” бўлиб ўтмоқда. Ушбу тадбир давлатларимиз ўртасида ўрнатилган маданий-гуманитар ҳамкорлик ва дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири, десак, муволафа эмас.

Тадбир

Тадбир кеча Ўзбекистон Респу-бликаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг маданий бўйича қўйи комиссияси бешинчи мажлиси билан старт олди. Мажлисда икки мамлакат мада-ният вазирлари, соҳа мутасаддилари ва бир гуруҳ масъуллар ишти-рок этиб, Россия ва Ўзбекистон

ўртасида соҳадаги ҳамкорлик ва уни ривожлантириш истиқболлари юза-сидан фикр алмашди. Учрашув да-вомида шериклик, ўзаро ишонч, бағрикенглик, манфаатли ҳамкорлик руҳида маданий соҳадаги алмаши-нувларни ҳар томонлама ривож-лантиришни давом эттиришга ке-лишиб олинди.

Куннинг иккинчи ярмида пойтах-тимиздаги “Ўзбекистон” форумлар саройида мазкур тадбирнинг тан-танали очилиш маросимига бағиш-

ланган концерт дастури бўлиб ўтди. Шунингдек, тадбир доирасида Алишер Навоий номидagi кино саройида “РОСКИНО” билан ҳамкор-ликда Россия кинофестивали ҳам ташкил этилиб, томошабинлар эъти-борига “Қон гуруҳи”, “Маданий ко-медия”, “Ҳўшқиз Кешанинг қайти-ши” каби фильмлар ҳавола этилди. Бугун Самарқанд шаҳридаги “Бо-қий шаҳар” сайёҳлик мажмуасида тадбирнинг ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Дилдора ЎРИНОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университетининг халқаро
журналистика факультети талабаси.

Ҳар мавсумда шу бўлар такрор...

Яқинда “Халқ сўзи” газетасида эълон қилинган “Оёқ остидаги нёзмат” мақоласини ўқиб, бир тарафдан суюнган бўлсам, бошқа томондан эски дардим янгиланиб, куйимдм. Шу боис, аввало, газета жамоаси ҳамда муаллифга ушбу мавзунни кўтариб, жамоатчилик эътиборини исрофгарчиликка йўл қўймаслик, уволнинг олдини олиш масаласига қаратгани учун раҳмат айтаман.

Акс садо

Куйинганимнинг боиси шуки, мақолада айтилган-нидек йўл, йўлак четлари-да экилган тут борки, ҳосили оёқости бўлади. Ва ҳар йили пишиқчилик мав-сумида шу ҳолат такрор-ланаверади. Узоққа бор-майлик, пойтахтимиз кўча-лари бўйларида экилган мевали дарахтлар ҳосил-ча кирган паллани кўз ол-дингизга келтиринг: ши-рин-шакар мевалар ер би-лан битта бўлган, оёқости қилинган... Негадир бунга ўтган ҳам, қайтган ҳам эътибор бермайди.

Ҳозир Тошкент шаҳри-нинг қоқ марказидаги



кўчаларидан бирида сайр қилиб, худди шундай ман-зарага дуч келдим. Ўрик дарахти ҳосили кўплигидан шохлари эгилиб қол-ган. Пишиб етилган мева-лари остига дув-дув тўкиляпти. Бозор растала-рида, супермаркетларда фалон пулга сотилаётган ўрикдан асло кам жойи йўқ. Лекин бу бебаҳо

нёзмат шу ердан ўтаётган йўловчилар оёқларию ма-шиналар остида топта-лаётгани ачинарийдир.

Кунни кеча водийдан келган қадрдон дўстим ҳам шу ҳақда гапириб қолди. Унинг куйинганича бор, албатта.

Ўйлаб қоламан, одамларга нима бўляпти ўзи? Нега бунчалик бепарво-миз? Ё бу тўқликка ш ў х л и к м и к а н ? Эҳтимол, йўл бўйида-ги мевани териб олишга ҳозирги ёшлар-нинг гурури йўл бер-мас. Аммо ёши кат-

та нуронийлар, маҳалла фаоллари-чи? Нега улар жим? Нима учун сукут сақ-лашади? Ҳеч бўлмаса, ёш авлодга уволнинг зарари-ни ўқитишмайdimи?

Ваҳоланки, Японияда ўрик қоқиси, жайдари айтсак, туршак дорихона-ларда доривор нёзмат сифатида сотилар экан...

Чиндан-да, ўрик саломат-

Бозорбой ДЕАУЛАМОВ,
меҳнат фахрийси.



Халқаро гольф турнири бўлиб ўтмоқда

Пойтахтимиздаги гольф майдонида “Ipak yo’li — 2025” халқаро гольф турнири бўлиб ўтмоқда.



Учинчи бор уюштирилган мазкур турнирда Ўзбекистон, Қирғизистон, Хитой, Ҳиндистон ва Россиянинг 8 та гольф жамоаси иштирок этяпти.

Маълумот учун, Ўзбекистон гольф федера-цияси томонидан Спорт вазирлиги ва Миллий олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда ўткази-лаётган мазкур халқаро турнирга 2023 йилда асос солинган.

Ўтган йиллар давомида илк мусобақа Қозоғистоннинг Олмаота, иккинчи турнир эса Туркиянинг Анталия шаҳарларида муваффа-қиятли ўтказилган эди.

“Ipak yo’li — 2025” мусобақалари 1 июнга қадар давом этади.

Шахсий рекордини янгилаган ҳамюртимиз

Корея Республикасининг Гуми шаҳрида ўтаётган енгил атлетика бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига яна бир ютук ёзилди.

Гап шундаки, аёллар ўртасида кечган 400 метр-га югуриш баҳсида ҳамюртимиз Жонбиби Ҳукмова бронза медали-га эга чиқди. Саралаш босқичларидан муваффа-қиятли ўтган спортчимиз финалда 52.79 сония қайд этиб, учинчи бўлиб мар-рага етиб келди.

Айтиш жоизки, бу билан Ж. Ҳукмова шахсий рекордини янгилашга ҳам эришди.



Волейбол бўйича «Миллатлар лигаси» мусобақаси бошланди

29 майдан 4 июнга қадар Фарғона шаҳридаги “Само” спорт мажмуаси халқаро спорт мусобақасига мезбонлик қилмоқда. Бу ерда Марказий Осиё волейбол ассоциацияси (CAVA)га аъзо давлатлар вакиллари ўртасида “Миллатлар лигаси” мусобақаси бошланди.



Ушбу мусобақада Эрон, Ҳиндистон, Поки-стон, Киргизистон, Қозғистон, Туркменистон ҳамда Ўзбекистон жамоалари ўзаро куч синашяпти.

Ушбу нуфузли мусобақанинг илк учрашуви — Эрон ва Ҳиндистон терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Шиддатли кечган бахсда Эрон тер-ма жамоаси 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Мусобақалар давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистонлик талабалар Хитойда ўтказилган АКТ бўйича халқаро мусобақада учинчи ўринни эгаллади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 13 297 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоcи келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ТАХРИРИЯТга келган қўлаёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзгаки берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожинов.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.38 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6